



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG‘OT TUMANI HOKIMINING
QARORI

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 12 - aprel

690к -son

Bog‘ot shaharchasi

Фуқаро Эгамова Ўғулжон
Раҳимовнанинг турар жой биносига
бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш
тўғрисида

Боғот тумани “Навбаҳор” маҳалласида яшовчи фуқаро Эгамова Ўғулжон Раҳимовнанинг “Навбаҳор” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 11 январдаги ШЯ-Э-83-сонли аризасини, “Навбаҳор” маҳалласи фуқаролар йиғинининг маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2020 йил 23 октябрдаги 3691-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Боғот тумани “Навбаҳор” маҳалласида жойлашган 7 (етти)та хонадан иборат, яшаш хоналари 4 (тўрт)та бўлиб, ички ўлчами 80,34 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 3 (уч)та бўлиб, ички ўлчами 85,46 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 165,8 квадрат метр, қурилиш ости майдони 219,9 квадрат метр, умумий ер майдони 1300,0 квадрат метр (умумий ер майдони 1700,0 квадрат метр бўлган ушбу турар жойнинг белгиланганидан ортиқча бўлган 400,0 квадрат метрдан вақтинча фойдаланиш - ушбу вақтинчалик фойдаланиш мақсадида берилаётган ер майдонини қайтариб олиш шарти билан) ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Эгамова Ўғулжон Раҳимовнага мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Эгамова Ўғулжон Раҳимовнага ушбу турар жой биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва

иншоотлар курилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган холда амалга оширганда шунингдек, вақтинча фойдаланишга берилган 400,0 квадрат метр ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланса Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Эгамова Ўғулжон Раҳимовнага ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Куръязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими



Ш.Яхшибаев